



20 20 у « 6 » апрель

№ Қ-153

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

Термиз тумани “Нурафшон”  
махалласи худудидан “Surxon  
Fortune Trade” МChJга “Иссиқхона  
биноси” қурилиши учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги 05-02/163-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 10 мартдаги 33/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги 05-02/163-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Нурафшон” маҳалласи худудидан “Surxon Fortune Trade” МChJга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 106 ва 105қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 42,1 балл бўлган 3,0 гектар суғориладиган экин ер майдони қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинчалик (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Surxon Fortune Trade” МChJ бошлиғи Й.Рахимназаровга:  
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Саматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов